

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
PhD.30.08.2018.В.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВА УМИДАХОН РАХМАНОВНА**

**КВЕРЦЕТИН ВА ХАПЛОГЕНИН-7-Г ЛЮКОЗИДНИ  
МИТОХОНДРИЯДА ЭНЕРГИЯ, ФОСФОЛИПИД АЛМАШИНУВИГА  
ВА ЛИПИДЛАРНИНГ ПЕРЕКИСЛИ ОКСИДЛАНИШИГА ТАЪСИРИ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Юсупова Умида Рахмановна**

Кверцетин ва хаплогенин-7-глюкозидни митохондрияда энергия, фосфолипид алмашинувига ва липидларнинг перекисли оксидланишига таъсири.....3

**Юсупова Умида Рахмановна**

Влияние кверцетина и хаплогенин-7-глюкозида на энергии митохондрий, метаболизм фосфолипидов и перекисное окисление липидов.....23

**Yusupova Umida Rakhmanovna**

Effect of quercetin and haplogenin-7-glucoside on mitochondrial energy, phospholipid metabolism, and lipid peroxidation.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
PhD.30.08.2018.B.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВА УМИДАХОН РАХМАНОВНА**

**КВЕРЦЕТИН ВА ХАПЛОГЕНИН-7-Г ЛЮКОЗИДНИ  
МИТОХОНДРИЯДА ЭНЕРГИЯ, ФОСФОЛИПИД АЛМАШИНУВИГА  
ВА ЛИПИДЛАРНИНГ ПЕРЕКИСЛИ ОКСИДЛАНИШИГА ТАЪСИРИ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/B29 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) манзилига ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алматов Карим Тажибаевич**

биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Матчанов Азат Таубалдиевич**

биология фанлари доктори, профессор

**Ахмеров Рашид Насипович**

биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.30.08.2018.B.02.08 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Самарқанд давлат университети биология факультети биноси 2-қават мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: [devonxona@samdu.uz](mailto:devonxona@samdu.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_- рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-40. E-mail: [m\\_nasrullaeva@mail.ru](mailto:m_nasrullaeva@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2019 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**З.Т. Ражамуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
б.ф.д., профессор

**М.С. Кузиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, биология фанлари бўйича фалсафа доктори

**Х.Қ. Ҳайдаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда гипоксия ва ишемия касалликлари кенг тарқалган бўлиб, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг жиддий муаммоларидан биридир. Тиббиётда қўлланилиб келинаётган доривор моддалар орасида ўсимликдан ажратилган биологик фаол бирикмаларининг аҳамияти катта бўлиб, булар юқори физиологик фаоллиги, фармакологик таъсири билан тавсифланади. Биологик фаол моддаларни хужайра ва митохондрия даражасида бўладиган физиологик ва биокимёвий бузилишларни коррекциялаш механизмларини аниқлаш тиббий-биологик нуқтаи назардан долзарб мавзулардан бирига айланмоқда. Турли патологияларни олдини олишда, даволашда ва самарали фармакологик препаратларни яратишда биологик фаол бирикмалар истиқболли манбалар ҳисобланади. Шу жиҳатдан асосий эътибор ўсимлик моддаларининг янги доривор авлодларини излаш ва уларнинг физиологик таъсир механизмларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳонда турли касалликларни терапиясида янги ёндашувларни ишлаб чиқиш учун кучли фармакологик фаоликка эга бўлган, ўсимликлардан олинadиган бирикмаларни излаб топиш долзарб муаммо ҳисобланади. Кўпчилик сунъий дори препаратлари яққол намоён бўлган ножўя таъсирга эга, ўсимликлардан олинadиган доривор воситалар эса кам токсикликка эга бўлиб, улар бирмунча юмшоқ таъсир кўрсатиш хусусиятига эга эканлиги билан тушунтирилади. Мазкур препаратлар ёрдамида касалликларнинг хужайравий, митохондриал ва молекуляр механизмлари ва уларни даволаш учун энг истиқболли нишонлар ҳақида муҳим маълумотлар олинган. Шунга боғлиқ равишда Ўзбекистон флорасидан ажратиб олинган биологик фаол бирикмалар турли патологияларни тикловчи таъсир механизмларини тавсифлаш ва хавфли ножўя таъсири бўлмаган самарали доривор воситаларнинг янги авлодини яратиш долзарб ва зарурий ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда юрак қон-томир ва кислород етишмовчилиги билан боғлиқ касалликларни даволаш учун ижобий таъсирга эга, дори воситаларини яратишга ва амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада антигипоксant фаоликка эга бўлган моддаларни скрининг ажратиб олиш ва уларни жигар митохондриялари даражасида тадқиқ этиш бўйича муайян натижаларга эришиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «илмий тадқиқотлар ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқотлар ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмларини яратиш» вазифалари белгилаб берилган, бу борада ўсимлик бирикмаларининг антигипоксant ва ишемияга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

қарши коррекцияловчи таъсирларини аниқлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга, чунки ушбу фундаментал натижалар келажакда турли касалликларни даволаш учун янги ёндашувлар ва усулларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида» қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ -3532-сонли «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги пайтларда тўқима ва хужайралардаги гипоксия ва ишемия ривожланишида энергия, липид алмашинуви ва кислороднинг фаол шаклини ҳосил бўлиши билан борадиган патологик жараёнларни коррекциялаш муаммоларига катта эътибор қаратилмоқда. Кверцетиннинг кўпроқ аниқланган хусусиятларидан бири антирадикал хусусияти бўлиб, у турли патологик ҳолатларда кислороднинг фаол шакли таъсирини камайтириш учун фойдаланилади. Бугунги кунда кверцетин турли касалликларни даволаш учун муваффақиятли қўлланилмоқда (Фильченков Ф.Ф., Абраненко И.В., 2001; Романовская Т.В., Науменко С.Г., Гринев В.В., 2009; Харченко В.С., 2012; Salminen A., 2017). Кверцетин яллиғланиш ва атеросклерозни (Kleemann R., et al., 2011), семиришни (Ahn et al., 2008), аллергик этиологиядаги астмани (Rogerio A.P., et al., 2007; Rogerio et al., 2010) олдини олишда қўлланилиши, антиканцероген фаолликни намоён қилиши (Senthilkumar et al., 2011), оксидатив стресс шароитида нейропротектор таъсир кўрсатиши (Pandey et al., 2012) аниқланган.

Ўзбекистонда мазкур йўналишда олиб борилган тадқиқотларда хаплогенин-7-глюкозидни гелиотрин, тетрахлорметан ва этанол билан қақирилган токсик гепатитни токсикоз ҳолатини камайтириши кўрсатилган. Бу ҳолат қон зардобиди АлАТ, АсАТ, ИФ и ЛДГ ферментлари фаоллигининг пасайиши, гипопро테인емия, гипербилирубинемия ва гиперхолестеринемиянинг бартараф этилиши билан намоён бўлган (Сыров ва бошқ., 2010). Шунингдек, *in vivo* тажрибаларда ўсимлик моддаларини оксидатив стресс шароитларида жигар ва нерв хужайраларига антигипоксанти

таъсир кўрсатиши аниқланган (Асраров ва бошқ., 2012; Алматов К.Т. 2016). Бу ўсимлик моддаларининг стрессни коррекцияловчи таъсири митохондриялар даражасида амалга ошиши билан тушунтирилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Организмдаги турли физиологик биокимёвий жараёнларга юқори ҳароратни ва токсик моддаларни таъсир механизмини ўрганиш ва уларни қайта тиклаш йўллари излаш» (2011-2017 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кверцетин ва хаплогенин-7-глюкозидини жигар митохондрияларининг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланишига, АТФ-синтаза ва НАДН-оксидаза фаолликларига, фосфолипидлар алмашинуви ҳамда липидларнинг перекисли оксидланишига таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кверцетин ва хаплогенин-7-глюкозидининг митохондрияларнинг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланишига (ОФ) таъсирини аниқлаш;

кверцетин ва хаплогенин-7-глюкозидини митохондрияларнинг АТФ синтаза фаоллигига таъсирини аниқлаш;

гипоксия ва ишемия шароитида кверцетин ва хаплогенин-7-глюкозидни митохондрияларнинг НАДН-оксидаза тизими фаолликларига таъсирини аниқлаш;

кверцетин ва хаплогенин-7-глюкозидни митохондрияларнинг липидларнинг перекисли оксидланиши (ЛПО) жараёнларига таъсирини аниқлаш;

гипоксия ва ишемия шароитида кверцетин ва хаплогенин-7-глюкозидини митохондрияларнинг фосфолипидлар алмашинувида таъсирини тадқиқ қилиш;

кверцетин ва хаплогенин-7-глюкозидни митохондрия нафас олиши ва ОФ, НАДН-оксидаза фаоллиги, фосфолипидлар алмашинуви ва кислороднинг фаол шакллари ҳосил бўлишига таъсирини қиёсий баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида, оқ эркак каламушлар, жигар, жигар митохондрияси, кверцетин ва хаплогенин-7-глюкозиди флавоноидлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** кверцетин ва хаплогенин-7-глюкозидни митохондриялардаги модда ва энергия алмашинуви, АТФ-синтаза, НАДН-оксидаза фаолликлари, фосфолипидлар миқдори ҳамда ЛПО жараёнларига таъсири каби физиологик ва биокимёвий кўрсаткичлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар бажарилишида физиология ва биокимёда кенг қўлланиладиган дифференциал центрифугалаш, полярография, юпка каватли хроматография, спектрофотометрия,

фотоэлектроколориметрия, рН-метрия ҳамда биокимёвий усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

этанолда эритилган кверцетин глутамат субстратли ОФ жараёнини глицеринда эритилганига нисбатан кескин пасайтириши, аммо ОФ кўрсаткичларини ошириши аниқланган;

митохондрияларни гипоксия ва ишемия шароитида (37<sup>0</sup>С) сақлаганда ротенонга сезгир НАДН-оксидаза фаоллиги пасайиши, ротенонга сезгир бўлмаган НАДН-оксидаза фаоллиги ошиши, кверцетин (20 мкг/мг оқсил) мембрана стабилловчи таъсир кўрсатиши аниқланган;

ЛПО жараёнларида лизофосфатидилэтанолламин ва фосфатидилэтанолламин миқдори камайиши, фосфатидилсерин, лизофосфатидилхолин, шунингдек фосфатид ва лизофосфатид кислоталарининг миқдорини ортиши каби бузилишларни кверцетин қайта тикланишини таъминлаб, 20 мкг/мг оқсилга нисбатан кверцетин мембраностабилизатор хоссасини намоён қилиши аниқланган;

хаплогенин-7-глюкозид митохондрияларда АТФ синтазининг фаоллигини ошириши, НАДга боғлиқ субстратларнинг оксидланишида ФАДга боғлиқ субстратларга нисбатан АТФ кўпроқ синтезланиши, фосфатидилхолин ва фосфатидилинозитларнинг миқдорини ошириши, мембранани стабилловчи таъсири исботланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

гипоксия ва ишемияга қарши препаратлар яратиш мақсадида антигипоксантик фаолликка эга хаплогенин-7-глюкозидининг мембранафаол хоссалари аниқланган;

гипоксия ва ишемия шароитларида митохондрияларнинг дисфункциясини коррекцияловчи янги антигипоксантик ва антиишемик хусусиятга эга биологик фаол моддалар аниқланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** уларнинг замонавий биофизик-биокимёвий тадқиқот усулларини қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Назорат ва тажрибада олинган ўртача қийматлар орасидаги фарқ Стьюдент t-тести ёки вариацион таҳлил (ANOVA) бўйича ҳисобланди ва қийматлар фарқининг статистик ишончлилиги  $P < 0,05$  даражасида ифодаланди, натижалар таҳлили ва расмларни чизиш OriginPro 7,5 (OriginLab Pro) компьютер дастури ёрдамида амалга оширилди. Олинган натижаларнинг исботи уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси, натижалар рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кверцетин ва хаплогенин-7-глюкозид иштирокида нафас олиш ва ОФ, фосфолипидларнинг сифати ва миқдори, АТФ-синтаза ва НАДН-оксидаза фаоллиги, биологик тизимлардаги ЛПО жараёнларининг эҳтимолий ўзгаришлари хужайраларнинг нормал



физиологик ҳолатини таъминлаши билан изоҳланади. Кверцетин ва хаплогенин-7-глюкозидни 37<sup>0</sup>С инкубация шароитида митохондрияларда АТФ-синтаза ва НАДН-оксидаза фаоллиги, фосфолипидлар миқдори ва ЛПО жараёнларининг дисфункциясини коррекциялаш механизмлари мембрана структураларини стабиллашуви билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг материаллари касалликларнинг турли хил шаклларида антигипоксик ва антиишемик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун назарий асос бўлиб ҳисобланади. Демак, олинган натижалар амалий фармакологияда антигипоксик дори воситалар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кверцетин ва хаплогенин-7-глюкозидни митохондрияда энергия, фосфолипид алмашинувиға ва липидларнинг перекисли оксидланишиға таъсири бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кверцетин ва хаплогенин-7-глюкозид флавоноидларининг митохондрия функционал фаолликларига самарали таъсири бўйича олинган натижалар Сургут давлат университетининг «Ханти – Мансийск автоном округидаги ёввойи ўсимликлар полифенолларини ажратиб олиш, идентификация қилишнинг инновацион технологиялари ва уларни гепатопротектор ҳоссаларини шимолнинг ёшга боғлиқ касалликларида тадқиқ қилиш» мавзусидаги лойиҳаси доирасида полифенол бирикмаларни антиоксидант ва гепатопротектор таъсир механизмларини ёритишда фойдаланилган (Сургут давлат университетининг 2019 йил 11 февралдаги 12-03/330-сон маълумотномаси). Натижада флавоноид бирикмаларининг структуравий хоссалари асосида юқори биологик фаолликка эга бўлган янги полифенолларни ажратиб олиш, идентификациялаш ва гепатопротекторлик хусусиятларини тадқиқ қилишни инновацион ишланмаларини ишлаб чиқиш имконини берган;

кверцетиннинг самарали таъсир механизмларини ва структураға боғлиқ биологик фаолликларини митохондрия моделларида қўлланилиши ФА-Ф7-Т-184 рақамли «Ўзбекистон флораси ўсимликларининг фенол бирикмалари ва терпеноидлари кимёси» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида геран туркумиға кирувчи *Geranium charlesi* ва *Geranium pusillum* ўсимликларидан ажратиб олинган бирикмаларни цитопротектор, гипополидемик, антимиқроб хусусиятларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 16 январдаги 4/1255-93-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий ўсимликлардан ажратиб олинган фенол бирикмалар ва терпеноидларнинг юқори гепатопротектор ва гипополидемик фаолликларини намоён қилиши ҳамда *Geranium* туркумидан ажратиб олинган бирикмалар асосида антигипоксик хусусиятинини намоён қилган «Геранил» препаратини яратиш имконини берган.

митохондрияларни гипоксия ва ишемия шароитида сақлаганда ротенонға сезгир НАДН-оксидаза фаоллигининг ўзгаришларига,

биоэнергетик жараёнларга ва митохондрия мембранаси липидларини пероксидланиш жараёнларига кверцетин ва хаплогенин-7-глюкозиднинг таъсир механизмларини тавсифлашда VetVittles компаниясининг мақсадли илмий тадқиқотида фойдаланилган (VetVittles компаниясининг (АҚШ) 2019 йил 16 январдаги маълумотномаси). Натижада турли касалликларда митохондриянинг функционал кўрсаткичларига полифенол бирикмаларни таъсирини аниқлаш ва цитопротектор хоссаларини тавсифлаш имконини берган.

кверцетиннинг жигар митохондриялари мембранаси фосфолипидлар бузилишини қайта тиклаш ҳамда АТФ-синтаза фаоллигини ошириш хоссалари ФА-А10-Т086 рақамли «Алкоголизм ва унга боғлиқ асоратларни даволаш ва олдини олишнинг янги услубларини ишлаб чиқиш» фундаментал лойиҳасида кверцетин юрак ва силлиқ мускул хужайралари функционал фаоллигини нормада ва алкоғолдан заҳарланиш ҳолатида коррекция қилишда ҳамда кверцетин эритроцитларнинг гемолитик барқарорлигини оширишда фойдаланилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 28 январдаги 4/1255-190-сон маълумотномаси). Натижада кверцетин флавоноиди бошқа бирикмаларга нисбатан нерв ва мускул хужайраларида турли хил медиатор тизимлари ҳолатини нормада ва алкоғолдан заҳарланиш шароитида қайта тиклаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иши чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Митохондрия функцияси, патологик шароитдаги бузилишлари ва уларга ўсимлик моддаларининг таъсири бўйича замонавий тадқиқотлар**» деб номланган биринчи бобида кверцетин ва хаплогенин-7 глюкозидни хужайра ва органоидларнинг физиологик-биокимёвий кўрсаткичларга таъсири, митохондрия ва хужайранинг ҳалокати, митохондрия липидлари ва фосфолипидлари бўйича замонавий тушунчалар таҳлил қилинган. Шунингдек, митохондрияларда кислороднинг фаол шакллари синтези ва айрим флаваноидларнинг митохондрияларда энергия алмашинуви жараёнига таъсир механизмларига оид энг сўнгги адабиёт маълумотлари берилган.

Диссертациянинг «**Митохондрияларни ажратиш ва уларга кверцетин ҳамда хаплогенин-7-глюкозидининг таъсирини тадқиқ этиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни олиб бориш босқичлари, уларнинг бажарилишида фойдаланилган материаллар ва усуллар, хусусан, жигар митохондрияларини дифференциал центрифугалаш усулида ажратиш, митохондрияларда АТФ-синтаза ва НАД.Н-оксидазаларнинг фаолликлари аниқланган. Бундан ташқари, митохондрияларнинг нафас олиш тезлиги ва ОФ ни аниқлашнинг полярография усули, ЛПО маҳсулотларини, митохондриялардаги оксил миқдорини аниқлаш усуллари келтирилган.

Тадқиқотлар *in vitro* шароитларида амалга оширилди. Ушбу ишни бажаришда ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти томонидан тақдим этилган *Naplophyllum perforatum* ўсимлигидан ажратиб олинган хаплогенин-7-глюкозид флавоноли [Сыров В.Н., Юсупова С.М., Хушбактова З.А., Юлдашева Н.Х., Юлдашев М.П., 2010] ва *Geranium charlesi* ва *Geranium pusillum* ўсимлигидан ажратиб олинган кверцетин флавонолидан [Хушбактова З.А. ва Сыров В.Н.] фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Кверцетинни митохондрияларда энергия ҳосил бўлишига, фосфолипид алмашинувига ва липидларнинг перекисли оксидланишига таъсири**» деб номланган учинчи бобида кверцетин флавоноидининг жигар митохондрияларининг нафас олиши ва ОФга, АТФ-синтаза ва НАД.Н-оксидаза фаолликларига таъсири тадқиқ қилинган. Шунингдек кверцетиннинг жигар митохондриясида *in vitro* тажрибаларда чақирилган гипоксияда ЛПО жараёнига ва фосфолипид фракцияларини алмашинувига таъсири ўрганилган.


Сукцинат оксидланишида митохондрияларнинг ОФга кверцетиннинг ингибирловчи таъсири сукцинатдегидрогеназага бевосита таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин. Кверцетин митохондрияларда глутаматнинг нафас олиши ва ОФ самарадорлиги – АДФ/О коэффициенти ва Чанс бўйича нафас назорати катталигини оширади. Кверцетин сукцинатнинг  $V_2$  ва  $V_4$  метаболик ҳолатларидаги оксидланишига деярли таъсир қилмайди, бироқ митохондрияларнинг фосфорланувчи ва динитрофенолстимулланувчи нафас олишини сезиларли даражада ингибирлаб, бу ҳам электронларнинг тесқари оқими ҳисобига метаболик жиҳатдан ижобий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Навбатдаги тажрибамизда, биз митохондрияларнинг нафас олиши ва ОФга этанолда эритилган кверцетинни қандай таъсир кўрсатишини аниқлашни мақсад қилиб қўйдик. Митохондрияларнинг ҳар бир мг оқсилга нисбатан 20, 40 ва 60 мкг дан ИМга кверцетин қўшилганда глутаматни  $V_2$ ,  $V_3$  ва  $V_4$  ҳолатлардаги оксидланишида ўзгаришлар кузатилмади. Динитрофенол қўшилгандаги оксидланиш кверцетин дозасини ошиб боришига мос ҳолда (6,4; 15,3 ва 23,5% ларга) тезлашди. Бунда Чанс бўйича нафас кўрсаткичи бирозгина ошган бўлса, АДФ/О коэффиценти бирозгина камайди.

Кверцетин таъсирида сукцинатни оксидланишида бутунлай бошқача ҳолат кузатилди. Митохондрияларга кверцетин 20, 40 ва 60 мкг/мг оқсилга нисбатан қўшилганда сукцинатни  $V_2$  ҳолатдаги оксидланиши 7,3; 10,0 ва 11,8% ларгагина камайган бўлса,  $V_3$  ҳолатдаги ОФ 44,3; 58,7 ва 66,8% ларга,  $V_4$  ҳолатдаги оксидланиши 18,5; 27,0 ва 31,9% ларга,  $V_{\text{днф}}$  ҳолатдаги оксидланиши 55,0; 69,5 ва 74,6% ларга камайди. Бунда ОФни кескин камайиши Чанс бўйича нафас олиш кўрсаткичини ҳам кескин (31,5; 43,6 ва 51,3% ларга) камайишга олиб келди. АДФ/О коэффиценти ҳам камайди, аммо Чанс бўйича нафас олиш кўрсаткичига нисбатан сезиларли (10,1; 25,3 ва 27,9% ларга камайди) бўлмади. Демак, этанолда эритилган кверцетин сукцинатни ҳар хил метаболик ҳолатларда, айниқса ОФ ва динитрофенол таъсиридаги оксидланишини кескин пасайтиради. Натижада Чанс бўйича нафас олиш кўрсаткичи ҳам кескин пасаяди. АДФ/О коэффиценти ҳам пасаяди, аммо бу пасайиш Чанс бўйича нафас олиш кўрсаткичини пасайишига нисбатан унчалик сезиларли бўлмайди.

Глицерин ва этанолда эритилган кверцетинни митохондрияларнинг нафас олиши ва ОФга таъсиридаги ўзгаришларини ўрганганимизда этанолда эритилган 20, 40 ва 60 мкг/мг кверцетин митохондрияда глутаматни  $V_3$  ҳолатдаги оксидланиши глицеринда эритилганига нисбатан 11,1; 17,4 ва 17,4% ларга,  $V_4$  эса 14,7; 17,6 ва 16,7% ларга пасайди. Чанс бўйича нафас кўрсаткичи, аксинча бирозгина (10,7; 6,1 ва 5,4% ларга) кўпайди. Деярли худди шундай ўзгаришлар АДФ/О коэффицентида ҳам (2,2; 10,2 ва 13,8% ларга) кузатилди. Олинган натижадан АДФ/О коэффицентида ошиши этанолда эритилган кверцетинни миқдорини ошишига мос ҳолда эканлигини кўрсатади. Этанолда эритилган 20, 40 ва 60 мкг/мг кверцетин митохондрияда сукцинатни оксидланишини глицеринда эритилганига нисбатан  $V_3$  ҳолатда 11,0; 7,8 ва 13,1% ларга,  $V_4$  ҳолатда эса 12,0; 1,9 ва 6,6% ларга пасайтирди, Чанс бўйича нафас кўрсаткичи эса 2,2; 11,9 ва 4,4% ларга ошиши ва АДФ/О коэффицентини эса 4,4; 19,5 ва 19,4% ларга ошиши кузатилди. АДФ/О коэффицентини сукцинатда ошиши этанолда эритилган кверцетинни миқдорини ошишига мос ҳолда эканлиги кўриниб турибди. Олинган натижалардан, кверцетин таъсирида митохондрияларда глутамат ва сукцинатни ҳар хил метаболик ҳолатларда оксидланиши этанолда глицеринга нисбатан пасаяди, аммо ОФ кўрсаткичлари ошади. Бу ўзгаришлар сукцинатга нисбатан глутаматда анчагина сезиларли бўлади.

*Митохондрияларнинг АТФ-синтаза фаоллигига кверцетиннинг таъсири.* АТФ молекуласи тирик хужайра ичида кечадиган кўпгина биокимёвий ва транспорт жараёнлари учун универсал энергия манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам АТФ-синтаза АТФ ҳосил бўлишини катализловчи энг муҳим ферментлардан бири эканлиги таъкидланади [Ballmoos С. et al., 2009]. Бизнинг ишимизда митохондрияларнинг аппаратнинг оксидловчи-фосфорловчи имкониятларига кверцетин таъсирини баҳолаш учун митохондрияларнинг АТФ-синтаза фаоллигини баҳолаш методи танлаб олинди. Кверцетин 20 мкг/мг оксил дозада АТФ-синтаза фаоллигини 12,8% га оширса, 40 мкг/кг дозада назоратдан фарқ қилмайди, 60 мкг/кг дозада эса аксинча, фермент фаоллигини 23,1% га ингибирлайди (1-расм).



**1-расм. Каламуш жигар митохондрияси мембранасининг АТФ-синтаза фаоллигига кверцетинни таъсири ( $M \pm m$ ,  $n=8-10$ )**

Шундай қилиб, кверцетин митохондриялар АТФ синтаза фаоллигини бироз оширса, унинг юқори дозалари аксинча фермент фаоллигини ингибирлайди.

Кверцетиннинг антиоксидант ва прооксидант самарасини аниқлаш учун мазкур флавоноидни паст ва юқори концентрацияларда митохондриялардаги ЛПО жараёнларига таъсири аниқланди. Митохондрияларни 37°C да 60 дақиқа давомида инкубация қилиш малон диальдегиди (МДА) ҳосил бўлиши билан бирга боради. Инкубациянинг 20, 40 ва 60 дақиқаларидан кейин МДА миқдори назорат даражасидан мос равишда 1,63; 3,16 ва 3,57 мартага ошди. Митохондрияларга 20 мкг/мг оксил миқдорида кверцетинни қўшишда МДАнинг ҳосил бўлиш жараёни муайян даражада секинлашди (1,51; 1,85 ва 2,20 га ошади), 60 мкг кверцетин иштирокида эса МДА ни ҳосил бўлиши, аксинча назоратга нисбатан ошди (1,87; 3,74 ва 4,19 мартага ошади). Бу ҳолат экспериментнинг қўлланилган шароитларида кверцетинни паст концентрациялари антиоксидант сифатида, юқори концентрациялари эса прооксидант сифатида ишлашини англатади.

*Митохондрияларда фосфолипидлар алмашинувни липидларнинг перекисли оксидланишида ўзгариши ва уни кверцетин билан коррекциялаш.*

Кверцетин синхрон равишда фосфатидилхолиннинг синтезини бирозгина секинлаштиради ва фосфолипаза А<sub>2</sub> ни фосфатидилхолинга нисбатан гидролитик фаоллигини сезиларли даражада пасайтиради. Митохондрияларга кверцетин кўшиб инкубация қилинганида фосфатидилэтанолламин миқдори 60 дақиқа давомида деярли ўзгаришга учрамади, ammo 90 дақиқага борганда назоратга нисбатан бирозгина камайди. Инкубация давомида лизофосфатидилэтанолламиннинг миқдори камайди. Демак, кверцетин кислороднинг фаол шаклини енгил оксидланадиган лизофосфатидилэтанолламин ва айниқса фосфатидилэтанолламинларга таъсирини пасайтиради.

Митохондрияларни тана ҳароратида инкубация қилинганида фосфатидилсериннинг миқдори вақтнинг ўтишига мос холда аста-секин кўпая бошлади, фосфатидилинозитда ҳеч қандай ўзгариш кузатилмади (1-жадвал). Бизнинг фикримизча, бунинг сабаби 2 хил бўлиши мумкин. Биринчиси, гипоксия ва ишемия шароитида жигар митохондрияларида фосфатидилсериннинг синтези кучайишидан бўлса, иккинчиси фосфатидилсериндан фосфатидилэтанолламин ҳосил бўлиши жараёни секинлашишидан бўлиши мумкин. Митохондрияларни ЛПО индуктори 20 мкМ FeSO<sub>4</sub>+0,2 мМ аскорбат билан инкубация қилинганида фосфатидилсерин миқдорини назоратга нисбатан кўпайиши сезиларли даражада кучайди. Демак, бу ишемия шароитида кислороднинг фаол шакли митохондрияларда фосфатидилинозит, ва айниқса фосфатидилсеринни синтезини кучайтириб юборади. ЛПО шароитида фосфатидилсериннинг миқдорини кўпайиши фосфатидилэтанолламиндан асос алмашинуви кучайиши, яъни этанолламин ўрнига серин алмашиши натижасида фосфатидилсеринни ҳосил бўлиши кучаяди. Бундан, гипоксия ва ишемия, яъни стресс шароитларда митохондрияда фосфатидилсериннинг миқдорини кўпайиши асосан ЛПО га боғлиқ деган хулосага келиш мумкин.

Митохондрияларга аввал кверцетин, кейин 20 мкМ FeSO<sub>4</sub>+0,2 мМ аскорбат кўшиб инкубация қилинганида фосфатидилсерин ва фосфатидилинозитларнинг миқдорларини ўзгариши, митохондрияларга ҳеч нарса кўшмасдан инкубация қилинганида олинган натижалардан фарқ қилмади. Бу шароитда фосфатидилсериннинг миқдори 30, 60 ва 90 дақиқаларда назоратга нисбатан 10,6; 15,7 ва 28,6% ларга ошган бўлса, фосфатидилинозитнинг миқдорида деярли ўзгаришлар кузатилмади. Демак, ЛПО митохондрияларда фосфатидилсериннинг миқдорини сезиларли кўпайтирди, кверцетин эса, аксинча бу фосфолипидларни миқдорини назоратга яқинлаштиради (1-жадвал). Митохондрияларни 20 мкМ FeSO<sub>4</sub>+0,2 мМ аскорбат билан инкубация қилинганида фосфатид кислота ва лизофосфатид кислоталарнинг миқдорларини кўпайиши сезиларли даражада кучайди. Тажрибанинг 30, 60 ва 90 дақиқаларида фосфатид кислотанинг

миқдори назоратдаги кўрсаткичга нисбатан 165,7; 281,4 ва 317,1% ларга, лизофосфатид кислотанинг миқдори 187,5; 240,0 ва 298,0% ларга кўпайди (1-жадвал). Бизнинг фикримизча кислороднинг фаол шакли митохондрияларда жойлашган фосфолипаза Д нинг фосфолипид ва лизофосфолипидларга нисбатан гидролитик фаолликларини кескин оширади. ЛПО шароитида митохондрияларга кверцетин кўшиб инкубация қилинганида фосфатид ва лизофосфатид кислоталарнинг ҳосил бўлиш тезлиги, нафақат ЛПОга нисбатан, балки автооксидланишга нисбатан ҳам пасайиб кетди. (1-жадвал).

1-жадвал

**Митохондрияларда ЛПО натижасида баъзи бир фосфолипидларни миқдорий ўзгаришини кверцетин билан коррекциялаш ( $M \pm m$ ;  $n=6-8$ )**

Кўрсаткичлар	Инкубация вақти, мин	Автооксидланиш	FeSO <sub>4</sub> + Аскорбат	FeSO <sub>4</sub> + Аскорбат+20 мкг/мг оксил кверцетин
Фосфатидилсерин	Назорат	1,78±0,38	1,78±0,38	1,78±0,38
	30	2,00±0,39	2,42±0,38	1,97±0,39
	60	2,10±0,30	2,76±0,39**	2,06±0,42
	90	2,37±0,30*	4,80±0,48***	2,29±0,33
Фосфатидилинозит	Назорат	2,10±0,47	2,10±0,47	2,10±0,47
	30	2,04±0,48	2,20±0,17	2,12±0,40
	60	2,19±0,46	2,40±0,25	2,15±0,43
	90	2,18±0,37	2,50±0,19	2,18±0,48
Фосфатид кислота	Назорат	1,40±0,40	1,40±0,40	1,40±0,40
	30	2,51±0,22***	3,72±0,48***	2,14±0,34
	60	3,09±0,32***	5,34±0,58***	2,80±0,47
	90	4,11±0,41***	5,84±0,69***	2,91±0,42
Лизофосфатид кислота	Назорат	1,93±0,21	1,93±0,21	1,93±0,21
	30	3,60±0,61***	5,55±0,44***	3,32±0,43
	60	4,43±0,57***	6,56±0,41***	2,93±0,52
	90	5,64±0,89***	7,68±0,48***	3,17±0,47*
Кардиолипин	Назорат	18,1±0,9	18,1±0,9	18,1±0,9
	30	16,2±1,3	17,3±1,1	16,3±1,0
	60	14,8±1,2**	16,7±1,3	14,2±1,3**
	90	13,0±1,3***	15,3±1,0**	13,4±1,0***
Лизокардиолипин	Назорат	1,19±0,08	1,19±0,08	1,19±0,08
	30	1,05±0,09	1,42±0,12*	1,16±0,06
	60	1,00±0,08**	1,40±0,13*	1,04±0,04*
	90	0,92±0,09***	1,48±0,14**	1,00±0,05**

Изоҳ: (\*P<0,05; \*\*P<0,01; \*\*\*P<0,01;)

Кверцетин таъсирида 30, 60 ва 90 дақиқаларида фосфатид кислотанинг миқдори назоратга нисбатан 52,8; 100,0 ва 107,8% ларга тезлашган бўлса, лизофосфатид кислотанинг миқдори 71,0; 52,8 ва 64,2% ларга тезлашди (1-жадвал). Агар кверцетин ва кверцетинсиз шароитда митохондрияларда бу фосфолипидларнинг миқдорий ўзгаришини бир бирига солиштирсак, фосфатид кислотанинг миқдори 42,5; 47,6 ва 50,2% ларга камайган бўлса,

лизофосфатид кислотанинг миқдори 40,5; 55,4 ва 58,7% ларга камайди (1-жадвал). Демак, митохондрияларга аввал кверцетин, кейин 20 мкМ  $FeSO_4+0,2$  мМ аскорбат қўшиб инкубация қилинганда фосфатид кислота ва лизофосфатид кислоталарнинг ҳосил бўлиш тезлиги, ЛПО шароитига нисбатангина кескин пасайиб кетди. Демак, кверцетин ЛПОни пасайтириб қолмасдан, эндоген фосфолипаза Д ва лизофосфолипаза Д ларнинг фосфолипид ва лизофосфолипидларга нисбатан гидролитик фаолликларини ҳам пасайтиради.

Диссертациянинг «**Хаплогенин-7-глюкозидни митохондрияларда энергия ҳосил бўлишига, фосфолипид алмашинувига ва липидларнинг перекисли оксидланишига таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида митохондрияларнинг нафас олиши ва ОФга, АТФ-синтаза, НАД.Н-оксидаза фаолликларига, ЛПО жараёнига ва ЛПО шароитида фосфолипидлар алмашинувини ўзгаришига хаплогенин-7-глюкозидининг таъсири аниқланган.

*Хаплогенин-7-глюкозид митохондрияларнинг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланишига таъсири.* Хаплогенин-7-глюкозид паст концентрацияда (20 мкг/мг оқсил) глутаматнинг оксидланиши ва Чанс бўйича нафас назорати катталигига таъсир қилмайди, бироқ АДФ/О коэффицентини 18,4% га оширади (2-жадвал). Чанс бўйича нафас назоратининг катталиги ҳужайранинг энергетик жараёнларини митохондрияларда энергиянинг ўзгариши ва аккумуляцияси жараёнлари билан боғлиқ бўлса, АДФ/О катталиги митохондриал мембранада АДФ фосфорланиши жараёнлари ва уларнинг терминал нафас занжири билан боғлиқлигини белгилувчи механизмларни функционал тузилмасини характерлайди. Инкубация муҳити (ИМ) га хаплогенин-7-глюкозид миқдорини икки марта оширилиши глутаматнинг ОФни ( $V_3$ ) назорат даражасидан 10,6% га оширади. Бунинг натижасида Чанс бўйича нафас назорати катталиги ва АДФ/О коэффицентини тегишли равишда назорат даражасидан 9,0 ва 26,4% ларга ошади. Хаплогенин-7-глюкозид концентрациясининг кейинги оширилиши (60 мкг/мг оқсил) митохондриянинг турли хил метаболик ҳолатларида глутаматнинг оксидланишини кучайишига олиб келади. Бунда  $V_2$ ,  $V_3$  ва  $V_4$  ҳолатларида митохондриянинг нафас олиши назоратга нисбатан тегишли равишда ошади. Нафас олишнинг фосфорланувчи ҳолатда кескин ошиб кетиши Чанс бўйича нафас назорати катталиги ва АДФ/О коэффицентини ошиб кетишига олиб келади. Хаплогенин-7-глюкозид субстратларнинг НАД га боғлиқ оксидланишида нафас занжирининг ва асосан митохондрияларнинг АТФ синтезловчи функциясини активатори ҳисобланишини англатади. Хаплогенин-7-глюкозид паст концентрацияда (20 мкг/мг оқсил) сукцинатнинг ОФни бироз (12,9%) оширади. Митохондрияларнинг  $V_2$  ва  $V_4$  ҳолатларидаги нафас олиши ва Чанс бўйича нафас назорати катталиги ўзгармайди, бироқ АДФ/О коэффицентини 6,1% га камади. ИМ га



киритиладиган флавоноиднинг концентрациясини икки марта оширилиши сукцинатни ОФни ( $V_3$ ) назорат даражасидан 28,9% га оширади, митохондрияларнинг тинчлик ҳолатида ( $V_4$ ) нафас олиши эса 24,9% га ошади (2-жадвал).

2-жадвал


**Митохондрияларнинг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланишига хаплогенин-7-глюкозидни таъсири ( $M \pm m$ ;  $n = 8-12$ )**

Кўрсаткичлар	Нафас олиш тезлиги, нанограмм атом кислород/дақиқа мг оксил						
	Хаплогенин-7-глюкозида, мкг/мг оксил						
	0	20	%	40	%	60	%
Глутамат							
$V_2$	18,0±1,2	18,6±1,4	103,3	19,0±1,2	105,5	20,5±1,6	113,9
$V_3$	54,5±1,8	57,4±2,2	105,3	60,3±1,9*	110,6	73,0±1,8***	133,9
$V_4$	17,6±1,4	17,8±1,4	101,1	17,9±1,3	101,7	20,8±1,7	118,2
$V_{\text{днф}}$	68,8±1,8	75,5±2,2	109,7	80,0±2,4*	116,3	96,5±2,4***	140,2
НОК <sub>ч</sub>	3,09±0,1	3,22±0,10	104,2	3,37±0,09*	109,0	3,51±0,10**	113,6
АДФ/О	2,37±0,09	2,81±0,13**	118,4	3,00±0,14***	126,4	2,85±0,10**	120,3
Сукцинат							
$V_2$	40,0±2,4	40,9±2,7	102,2	42,4±3,2	106,0	46,7±4,0	116,7
$V_3$	112,0±3,6	126,5±4,4*	112,9	144,4±5,7***	128,9	156,6±6,5***	139,8
$V_4$	32,5±2,5	34,8±3,0	107,0	40,6±3,5*	124,9	43,8±3,7**	134,7
$V_{\text{днф}}$	130,6±5,6	144,5±6,0	110,6	180,0±6,4***	137,8	200,0±7,7***	153,1
НОК <sub>ч</sub>	3,44±0,13	3,63±0,12	105,5	3,55±0,12	103,2	3,57±0,09	103,8
АДФ/О	1,82±0,09	1,71±0,08	93,9	1,53±0,11*	84,0	1,50±0,08**	82,4

Изох: (\* $P < 0,05$ ; \*\* $P < 0,01$ ; \*\*\* $P < 0,01$ ;) )

